

## БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Курбонов Мухиддин Абдуллаевич**

*Молия ва Бухгалтерия хисоби кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)*

ТЕЛ:90-644-74-77

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини бугунги ҳолати, уни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг тизимининг назарий ва хуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, давлат бюджети харажатлар қисмининг таҳлили ҳамда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** бюджет харажатлари, аутсорсинг, бюджет ташкилоти, иқтисодий самарадорлик, аутсорсер, буюртмачи, хусусий сектор, овқатланиш тизими, давлат бюджети, кичик бизнес, бандлик, хизматлар, қишлоқ ҳўжалиги, овқатлантириш.

**Annotation:** In this dissertation, the current state of the operation of outsourcing in the implementation of budget expenditures in our country is highlighted the results of research in the areas of budget expenditures. The theoretical and legal basis of the outsourcing system in this dissertation, the practice of their organization, and the analysis of the state budget and budget expenditures provide practical proposals and practical proposals on the development of outsourcing services.

**Keywords:** budget expenditures, outsourcing, economic efficiency, economic efficiency, cursor, customer, maintaining system, state budget, employment, employment, services, agriculture, feeding.

### КИРИШ

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бир қаторда давлат бюджети харажатларининг амалга оширишда турли янги механизмларни тадбиқ этиш ишлари давом эттирилмоқда. Шундай янги механизмлардан бири бу аутсорсинг хизматидир.

*"Аутсорсинг" сўзи инглиз тилидан олинган булиб, шартнома асосида ташқи манбалардан, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхоналар хизматидан фойдаланишини билдиради.*

Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиёт учун қўшимча барқарор талаб шакллантирилади ва бу биринчи навбатда хизматлар соҳасида субъектлар

сонининг ортишига сабаб бўлади. Бу соҳада бизнеснинг ривожланиши эса тадбиркорлик субъектлари сони ортиши баробарида улар ўртасида рақобат мухитини юзага келишига сабаб бўлади. Рақобат орқали эса тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ортади нархи эса пасаяди. Бундай рақобатли иқтисодий мухитдан бюджет ташкилотлари ҳам иқтисодиёт ҳам фақат ютади. Чунки хизматларнинг сифатли ва арzon бўлиши бюджет ташкилотлари учун маблағларни тежаб қолиш билан биргаликда сифатли хизматлар асосида ўз фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, коррупцияни четлаб ўтиш имконини беради. Қолаверса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган хизматларга бўлган талабнинг мавжудлиги бизнес вакиллари учун энг жозибадор танлов бўлади. Чунки давлатнинг хизматларга бўлган талаблари бир томондан узоқ муддатли бўлса бошқа томондан маблағ билан таъминланган бўлади. Бу эса янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши орқали иш жойлари яратилиши, нархларнинг нафақат бюджет ташкилотлари учун балки барча учун сезиларли пасайиши деганидир. Бу яна бюджетга қўшимча даромад келтиради. Чунки янги субъектларнинг ташкил этилиши бу янги солик тўловчилар деганидир.

### **Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари**

Мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини йўлга қўйиш орқали эришилган тежамкорлик ҳамда бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича маълумотлар мавжуд эмаслиги тадқиқотнинг асосий муаммоси ҳисобланади.

Шу билан бирга бу борада маълумотларнинг етарли эмаслиги, Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати бўйича норматив ҳужжатларнинг унификация қилинмаганлиги муаммолардан ҳисобланади.

### **Тахлиллар**

Мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолияти биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида 2019 йилдан бошлаб йўлга қўйилди. Хусусан, аутсорсинг хизматларига ўтилишининг хуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 январдаги 52-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори бўлди. Ушбу қарорга асосан “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланишини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, унга кўра:

Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

Аутсорсерга қўйиладиган талаблар;  
 Аутсорсер ва буюртмачининг хуқуқлари ва мажбуриятлари;  
 Аутсорсер томонидан буюртмачи мол-мулки ва моддий-техника воситаларидан фойдаланиш;  
 Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш тартиблари белгиланган.

Шу билан бирга низомда аутсорсингга — *буюртмачининг шахсий таркиби овқатлантириши вазифасини шартнома асосида аутсорсерга ўtkазиш ҳамда аутсорсер сифатида — шартнома асосида буюртмачига аутсорсинг хизматини кўрсатувчи юридик шахс деб таърифлаш мумкин.*

Шундан сўнг кўплаб вазирлик ва идоралар ўз фаолиятига аутсорсинг тизимини тадбиқ этиш ишлари бошланиб кетди дейиш мумкин. Жумладан, шу 2019 йилни ўзида Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирликларида овқатланиш тизими аутсорсинг хизматлари асосида ташкил этила бошланди.

Комиссия таркибидан Мактабгача таълим вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Юридик бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Молиявий-иктисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиғи ва бошқалар ўрин олган.(1-жадвал)


### **1-жадвал**

#### **Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов комиссияси таркиби**

T/р	Комиссия раиси, раис ўринбосари, аъзолари	Иш жойи ва лавозими
1.	Комиссия раиси	Мактабгача таълим вазирининг ўринбосари

2.	Комиссия раисининг ўринбосари	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришини ташкил этиш бўлими бошлиги
3.	Комиссия котиби	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси
4.	Комиссия аъзолари	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Юридик бошқармаси бошлиги
5.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари
6.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Молиявий-иқтисодий ривожланиши режалаштириш бошқармаси бошлиги
7.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиги
8.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиги
9.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Maxsus мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, болаларни реабилитация қилиш ва соғлигини таъминлаш бўлими бошлиги
10.		Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси
11.		Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассиси
12.		Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси мутахассиси
13.		Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришини ташкил этиш бўлимлари бошлиқлари (ўз худудлари бўйича).

Низомга кўра аутсорсинг усулида овқатлантиришини ташкил этиш бўйича таклифлар туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан ҳар чоракда бир маротаба (кейинги чорак биринчи ойининг 15-кунига қадар) тегишилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига тақдим этилади.



**1-расм. Давлат бюджети харажатлари йирик гурухлари ижроси таҳлили.**

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки давлат бюджети харажатлари йирик гурухлари ижросида ҳам миқдор жиҳатидан ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб турибди.

Хусусан, давлат бюджети харажатлари миқдори жиҳатидан ижтимоий соҳа харажатлари катта ҳажмга эга бўлиб турибди. Масалан 2016 йилда ижтимоий соҳа харажатлари 24,0 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 27,0 трлн.сўм, 2018 йилда 43,0 трлн.сўм, 2019 йилда 64 трлн.сўм, 2020 йилда 74,0 трлн.сўмни ташкил этган.

Шунингдек, иқтисодиёт харажатлари 2016 йилда 4,0 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 5,0 трлн.сўм, 2018 йилда 8,0 трлн.сўм, 2019 йилда 18 трлн.сўм, 2020 йилда 16,0 трлн.сўмни ташкил этмоқда.

Марказлаштирилган инвестиция харажатлари 2016 йилда 2,0 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 3,0 трлн.сўм, 2018 йилда 5,0 трлн.сўм, 2019 йилда 7,0 трлн.сўм, 2020 йилда 19,0 трлн.сўмни ташкил этиб кескин ўсишга эришилган. Бунинг асосий сабаби сифатида 2020 йилда пандемия сабабли маҳсус касалҳоналарни кўплаб қурилганлигини айтишимиз мумкин.

Давлат ҳокимияти, башқарув органларини сақлаш харажатлари ҳам мунтазам ўсиб бориш ҳолатига эга бўлиб, 2016 йилда 2,0 трлн.сўмни ташкил

этган бўлса, 2017 йилга келиб 2,0 трлн.сўм, 2018 йилда 4,0 трлн.сўм, 2019 йилда 7,0 трлн.сўм, 2020 йилда 9,0 трлн.сўмни ташкил этмоқда.

Бошқа харажатлар эса 2016 йилда 9,0 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 11,0 трлн.сўм, 2018 йилда 20,0 трлн.сўм, 2019 йилда 22,0 трлн.сўм, 2020 йилда 26,0 трлн.сўмни ташкил этган.

Бюджет харажатларининг ўзгаришлари умумий бюджет ижросидаги ўзгаришлар яъни бюджет харажатларининг ортиши фонида ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик иш хақларини оширилиши, бюджет ташкилотлари моддий-техника базасини яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тадбирларини келтириб ўтишимиз мумкин.

## **ХУЛОСАЛАР**

Мақола доирасида амалга оширилган тадқиқот доирасида ўтказилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

Бюджет ташкилоти аутсорсинг хизматлари истеъмолчисига айланиб ўзининг асосий фаолиятига эътибор қаратиш имкониятини оширади. Чунки аутсорсинг хизматлари бюджет ташкилотининг асосий бўлмаган фаолиятига тадбиқ этилади. Шу билан бирга аутсорсинг хизматларига мурожаат қилиш орқали бюджет ташкилоти маблағларни иқтисод қиласи чунки ишнинг бир қисмини аутсорсингга ўтказиш шу ишларни қилиш учун ходимларни сақлашдан арzonроқ бўлади;

Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодиёт учун қўшимча барқарор талаб шакллантирилади ва бу биринчи навбатда хизматлар соҳасида субъектлар сонининг ортишига сабаб бўлади. Бу соҳада бизнеснинг ривожланиши эса тадбиркорлик субъектлари сони ортиши баробарида улар ўртасида рақобат муҳитини юзага келишига сабаб бўлади. Рақобат орқали эса тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ортади нархи эса пасаяди. Бундай рақобатли иқтисодий муҳитдан бюджет ташкилотлари ҳам иқтисодиёт ҳам факат ютади. Чунки хизматларнинг сифатли ва арzon бўлиши бюджет ташкилотлари учун маблағларни тежаб қолиш билан биргаликда сифатли хизматлар асосида ўз фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, коррупцияни четлаб ўтиш имконини беради. Қолаверса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган хизматларга бўлган талабнинг мавжудлиги бизнес вакиллари учун энг жозибадор танлов бўлади. Чунки давлатнинг хизматларга бўлган талаблари бир томондан узоқ муддатли бўлса бошқа томондан маблағ билан таъминланган бўлади. Бу эса янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши орқали иш жойлари яратилиши, нархларнинг нафақат бюджет ташкилотлари учун балки барча учун сезиларли пасайиши

деганидир. Бу яна бюджетга қўшимча даромад келтиради. Чунки янги субъектларнинг ташкил этилиши бу янги солик тўловчилар деганидир.

Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолияти юзасидан қонун ҳужжатларида аниқ тартиблар белгиланмаган бўлиб, бу тизимни жорий қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланган низомлар орқали тартибга солинмоқда:

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). КАМЕРАЛ СОЛИҚ НАЗОРАТИ, РИСК АНАЛИЗЛАРНИ СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
2. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
3. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО'К: 657(075.8)
4. [Назарова Муслима Назаровна. \(2022\). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУКУКИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10\(2\), 48–54.](#)  
<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
5. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>
6. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
7. Адашалиев, Б. (2022). Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127>
8. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамлами банк технологиларини жорий қилиш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>

9. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591  
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
10. Фарходовна Ирода Урманбекова. (2023). Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таҳлилиниң мақсад ва вазифалари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 91–98. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2787>
11. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон стратегик мақсадлар сари ривожланишда. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 60–71, retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2784>
12. О. Бозорова. (2023). Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятинги қўллаб-куватлаш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
13. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
14. Тулаев, М. (2021). Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувини ташкил қилиш масалалари. Архив научных исследований, 1(1).
15. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
16. Юлдашев, Ж. (2021). Совершенствование методики оценки состояния отношений с клиентами в коммерческих банках. Экономика и инновационные технологии, (3), 233–244. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11885](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11885)
17. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
18. Назарова Муслима Назаровна. (2023). Ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлили. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7),

- 50–59. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2783>
19. СУЛТАНОВ, М., & АДАШАЛИЕВ, Б. В. (2021). Фонд бозори савдолари фаоллигини оширишда молиявий саводхонликнинг ўрни. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/384>
20. Nazarova, M. N. (2023). Legal Framework for Microcredit Organizations in the Republic of Uzbekistan and Analysis of Their Current State. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892). [http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2\\_P4.pdf](http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2_P4.pdf)
21. Урманбекова, И. Ф. (2023). Электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(15), 317-322.
22. Салимов, Ш. (2021). Технопарк – фактор инновационного развития малого и среднего бизнеса. Экономика и инновационные технологии, (3), 106–115. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11872](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11872)
23. Кличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
24. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли. (2023). Молиявий натижаларда шакллантиришда трансакцион харажатлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 30–35. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2780>
25. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php /journal/article/view/4494>
26. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. Newjournal.org часть №6 ст.51. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>
27. Ойбек Одилович Худоёров. (2016)The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>

28. О.Худойоров (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика. часть №5. 242-244. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
29. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос мухим жихатлари. Eurasian journal of law, finance and applied sciences, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
30. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2023). Банк ва мижоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда маркетингнинг ўрни ва аҳамияти. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 121–127. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2790>
31. Бозорова, О. (2022). Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг аҳамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1084>
32. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). Ижара олинган асосий воситалар хисоби –молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 3–15. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2777>
33. Бозорова, О. (2022). Баланс ликвиддигини таҳлили. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1355>